O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2009 йил 9 июль, № 136 (4799) Пайшанба


**«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 33 645 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 66 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 33 645 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 66 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 40 375 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 8 июль

# САЛОМАТЛИК, ШИЖОАТ ВА БАРКАМОЛЛИК

***Юртимиз спортчилари тажриба ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларда доимо намойиш этиб келишмоқда.***

Эътироф

Спортнинг қайси бир туридан бўлмасин, қитъа, жаҳон чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик ёшларнинг муносиб иштироки, эришаётган натижалари мутахассислар томонидан юқори баҳоланаётгани бунинг ёрқин далилидир. Барчамизга катта мамнуният бағишлайдиган бундай ижобий ютуқлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самараларидир.

Кейинги беш йил мобайнида юртимизда Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти қуриб битказилгани ҳамда юксак талаблар асосида жиҳозлангани эртамиз эгаларининг иқтидорини рўёбга чиқариш, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан комил инсон бўлиб вояга етишларини таъминлашга нақадар катта аҳамият берилаётганини яна бир карра тасдиқлайди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Умуман, мамлакатимизда ҳар бир спорт турини оммавийлаштириш учун муҳим пойдевор, аввало, ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида теннисни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори теннис клублари фаолиятини такомиллаштиришга катта туртки берди. Президентимизнинг ўтган йил 29 апрелдаги "Республика Олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур ҳужжатда юқори тоифали теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларда Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўла оладиган мамлакат терма жамоалари захирасини шакллантириш масалалари назарда тутилган.

(Давоми 4-бетда).

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

***Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллик кунини нишонлаш тараддудида. Аслида кўҳна тарих учун 18 йил киприк қоқгудек лаҳза. Аммо ҳозирги кун юксаклигидан туриб, ана шу жуда қисқа даврда босиб ўтилган, жаҳондаги кўпгина мамлакатлар, халқлар учун асрлар керак бўлган йўлимизга синчков разм солсак, қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлиб-тошади.***

Ифтихор

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу муносабат билан "Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган ушбу даврда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган — Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди", деб алоҳида уқтирган эди.

Ҳа, давлатимиз мустақиллиги бутун дунёга тантанавор эълон қилингани, шодиёналар эса кўча ва майдонларга кўчган саодатманд кунни хотирада жонлантириш нақадар тотли. Шу билан бирга, навқирон давлат илк қадамлариданоқ рўбарў келган муаммолар гирдобини ҳам унутиб бўлмайди. Бу Истиқлолимиз қадр-қиймати, меҳнатсевар халқимиз фидойилиги ва жасорати салмоғини баҳолаш учун, айниқса, муҳимдир.

Бир томонда ёш давлатни оёққа турғизиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, бошбошдоқликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, иккинчи (аммо, асло аҳамияти жиҳатидан эмас) тарафда собиқ шўролар тизимининг марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлаш иллатлари оқибатида жар ёқасида турган иқтисодиётни ўнглаш, тараққиёт йўлига солиб юбориш, одамларни иш билан банд этиш, ночор аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, захирада ярим ойга етар-етмас дон ва ун қолган бир таҳликали вазиятда халқни ҳам ёнилғи, ҳам ғалла мустақиллигига эришишдек улуғ мақсадга сафарбар этиш...

Ҳасадгўйлар фақат буларнигина эмас, яна ўнлаб, юзлаб мураккаб масалаларни ўзимиз мустақил ҳал этишимизга ишонишмасди. Лекин улар ҳурлик, амалда ўз тақдирингни ўзинг ҳал қилиш ҳуқуқи инсонга қандай куч-қудрат, матонат ва ирода ато этишини ҳам билишмасди.

Мустақиллик юртдошларимизга Хоразмий ва Фарғоний, Беруний ва Улуғбекнинг муносиб ворисларига хос заковатлари, алпона шижоатлари, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини тўла намоён этишларига кенг имкониятлар очиб берди. Алмисоқдан қолган, умрини ўтаб бўлган дастгоҳлар бир амаллаб ишлатилиб келинаётган корхоналар модернизация қилиниб, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ташкил этила бошланди. Бир неча йилнинг ўзида авваллари оддий мих ҳам четдан келтириладиган республикамиз энг замонавий машиналар ишлаб чиқаришга қодир жаҳондаги саноқли автомобилсоз давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Натижада юртимизда аҳолининг автомобиллар билан таъминланиши даражаси олти баравардан ҳам кўпроққа ортиши билан бирга, ўзбек машиналари жаҳон бозорини забт этишга киришди.

Мамлакатимизда, энг аввало, инсон, унинг манфаатларини кўзлаб "Янги уй қурмасдан, эскисини бузманг" ҳаёт синовидан ўтган тамойилга таянган ҳолда изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар, улар самараси учун масъулиятни давлат бош ислоҳотчи сифатида ўз зиммасига олгани олға қараб дадил боришимизнинг асосий омили бўлмоқда. Ўтган йили бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

*ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Ғузор туманида "Ростехнотранссервис" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади.*

## Яна бир қўшма корхона

Аҳоли ва ташкилотларга автотранспорт хизмати кўрсатишга ихтисослашган мазкур корхонанинг жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг. Тез орада жамият томонидан юк ташиш ҳамда махсус қурилиш хизматлари кўрсатиш бошланади. Корхона фаолиятининг дастлабки босқичида 20 нафар киши ишга қабул қилинди.

**Ф. БОЗОРОВ.**

*НУКУСда хотин-қизлар ва оилаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи марказ иш бошлади.*

## Янги марказ иш бошлади

"Қалб нури" деб ном олган ушбу марказнинг асосий мақсади, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Шу мақсадда бу ерда ўндан ортиқ касбларга ўргатувчи курслар ташкил қилинди. Айни пайтда ўттиз нафардан зиёд хотин-қиз бу ердаги тикувчилик цехида кийим-кечак тикиш, гилам тўқиш билан шуғулланмоқда.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*СУРХОНДАРЁда 5 мингта хонадон асаларичилик билан шуғулланади. Яқинда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида асаларичилик уюшмаси ташкил этилди.*

## Илғор тажрибалар соҳани ривожлантиради

Унинг асосий вазифаси, уюшма аъзоларига шакар ва бошқа керакли маҳсулотларни етказиб бериш ҳамда илмий тавсиялар ва илғор тажрибалар билан таъминлашдан иборат. Шунингдек, уюшма асални турли ҳажмда қадоқлаш, унинг савдосини ташкил этиш билан ҳам шуғулланади.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ВАТАННИ МАДҲ ЭТИШ — САОДАТ

***Истиқлол бизга тарихимиз, кўҳна ёдгорликларимиз, ўзига хос урф-одатларимизу анъаналаримизни қайта тиклаш имконини берди. Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган бу эзгу амаллар туфайли қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда.***

*Истиқлол мушоираси*

Ўтган ўн саккиз йиллик мустақиллик даврида тарихий шаҳарларимизнинг юбилей тўйларини катта тантана сифатида нишонлаш ҳам яхши анъанага айланди. Айни кунларда ушбу хайрли тадбирнинг навбатдагиси — қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ҳамда мавқеига муносиб равишда нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш бош кентимизнинг бу тўйи энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлол шодиёналарига уланиб кетади.

Албатта, мана шундай шукуҳли дамлар ижод аҳлини қўлга қалам олишга, янги асарлар яратишга ундайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, "Халқ сўзи" газетасида "Истиқлол мушоираси" рукнини ташкил этдик. Унда Мустақиллик мадҳи, Тошкентимиз таърифига бағишланган ижод намуналари бериб борилади. Мушоирани Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов бошлаб беради.



## ТОШКЕНТ ҚАСИДАСИ

*Шарқ уфқин чулғайди заррин мавжли тонг,*
*Товус парларидай кўркам, жилвагар.*
*Кўнгил равшан тортиб, барқ уради онг,*
*Сенга бағрин очур қудратли шаҳар.*

*Шаҳарким, тақдирнинг олий инъоми,*
*Марказ мақомида ёғду сочган бахт.*
*Неча аждодларнинг меҳру илҳоми*
*Кўксида мужассам кошона Пойтахт.*

(Давоми 4-бетда).

Дунё нигоҳи

## ФРАНКФУРТДА ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

***Германиянинг йирик иқтисодий ва илмий-маданий марказларидан бири — Франкфурт шаҳрида Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

«Ўзбекистон — Германия» ва «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари билан ҳамкорликда ўтказилган кечада Гессен федерал ерининг расмий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий доиралари ҳамда Франкфурт шаҳрида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Бурундига молиявий кўмак

***Жаҳон банки Бурунди давлатига 70 миллион АҚШ доллари миқдорида моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди.***

Бурунди молия вазирлигининг маълум қилишича, мазкур маблағ 2009-2011 йиллар мобайнида мамлакат инфратузилмаси ва соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга йўналтирилади.

Режага кўра, банк кўзда тутилган сумманинг 45 миллион долларини шу кунларда ажратади ва у қишлоқ жойлардаги йўлларни таъмирлаш, мактаблар қуриш ҳамда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга сарфланади.

## Гаровга олинди

***Сомалилик қароқчилар Туркияга тегишли юк кемасини гаровга олди, дея хабар тарқатди "AFP" ахборот агентлиги.***



Кема бортида 23 киши борлиги айтилмоқда. Воқеа тафсилотлари ҳақида бошқа маълумотлар йўқ.

Халқаро денгиз бюроси томонидан келтирилишича, жорий йил бошидан буён жиноятчиларнинг кемаларга қилган ҳужумлари сони 2008 йил давомида кузатилган ана шундай ҳолатлардан ортиб кетибди. Гарчи ҳудуддаги талончиликларга қарши кенг кўламли кураш олиб борилаётган бўлса-да, ушбу турдаги жиноятларнинг кўпайиши таажжубланарли ҳол, дея баҳоланмоқда.

## Нефть қувурлари шикастланди

***Нигерия давлати ҳудудида жангарилар иккита нефть қувурини портлатиб юборган.***

Қўпорувчилик ҳаракатларининг биринчиси "Shell" (Англия — Голландия) компанияси, иккинчиси "Agip" (Италия) корхонасига тегишли объектларда амалга оширилган.

"Reuters" маълумотларига қараганда, шу кунларда бу минтақада жангарилар яна фаоллашган. Уларнинг нефть иншоотларига етказаётган зарарлари туфайли ҳудудда "қора олтин" қазиб олиш ҳажми кунига 273 минг баррелгача камайиб кетган.

## Машғулот вақтидаги фалокат

***Белград шаҳри яқинида Сербия ҳарбий кучларига тегишли "МиГ-29" қирувчи самолёти ҳалокатга учради.***

Манбада айтилишича, самолёт машғулотлар ўтказаётган вақтда фалокатга йўлиққан. Бахтли тасодиф туфайли учувчилар омон қолишган ва улар зудлик билан шифохонага ётқизилган.



Ҳалокат сабаблари номаълум. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ДАРОМАДИМИЗ ЯНА ҲАМ ОРТАДИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг наманганлик фермерлар билан учрашуви чоғида "Чорвачилик — сердаромад соҳалардан бири. Бу соҳани ривожлантириш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш орқали даромадни бир неча ҳисса орттириш мумкин" деган сўзлари, очиғи, дилимиздаги гап бўлди.***

**Дил сўзи**

Мана, масалан, бизнинг фермер хўжалигимиз ҳам чорвачиликка ихтисослашган. Юз бошдан зиёд қорамолимиз бор. Ҳар йили тонналаб сут ва гўшт етиштирамиз. Бу маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйсак, яъни қишлоққа саноатни олиб кирсак, аввало, даромадимиз кўпаяди, қолаверса, кўплаб ҳамқишлоқларимиз ишли бўлади. Шу мақсадда Тошкент ва Қарши шаҳарларида бўлиб ўтган кўргазмаларда иштирок этиб, замонавий технологияларни харид қилиш юзасидан келишувга эришган эдик. Ҳозир зарур ҳужжатларни тайёрлаяпмиз. Насиб этса, тез орада чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехни ишга туширамиз. Бу билан нафақат ички бозор талабларини қондириш, балки мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Турдиқул МАМАНОВ,**
**Деҳқонобод туманидаги «Шерқўзи» фермер хўжалиги раҳбари.**

# ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

***Туманимиз ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки у Фарғона вилоятининг жанубий сарҳадларидан анча ичкарида, асосий ишлаб чиқариш марказларидан узоқда, тоғлар орасида жойлашган. Боғларда пишадиган турли хил мевалар, тоғ ён бағирларида етиштириладиган ширин таъмли картошка, Сўх дарёси бўйларида сувга қониб етиладиган девзира ва бошқа хушхўр гуручлар довруғи республикамизга таралгани аён.***

Деҳқонларимиз, боғбон ва фермерларимиз ана шу маҳсулотларни мўл-кўл етиштириб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилиб келмоқдалар. Шу билан бирга, бу ерда иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда тадбиркорликка кенг йўл очилгани қўл келмоқда. Жумладан, "Сўх-дон" масъулияти чекланган жамиятида қорамолларга омихта ем ишлаб чиқарувчи корхона барпо этилмоқда. Шу мақсадда 100 миллион сўм маблағ сарф этилиши режалаштирилган. Унинг 50 миллион сўми жамиятнинг ўз маблағи ҳисобидан ажратилган бўлса, қолгани "Агробанк"дан кредит сифатида олинди. Янги корхона шу йилнинг ноябрь ойида фойдаланишга топширилади. Натижада, маҳаллий бюджетга 94,7 миллион сўм маблағ солиқ тарзида келиб тушади.

Тоғлар ён бағрида "Чашма" деб номланган булоқ мавжуд. Унинг суви шифобахшлиги билан ҳаммага манзур. Шу боис "Чашма" хусусий фирмаси бу сувни қадоқлаб истеъмолчиларга етказиб беришни йўлга қўйди. Ҳозирда фирмада ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва янги шарбат қадоқлаш цехини ишга тушириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун 80 миллион сўм маблағ сарфланади.

**Жараён**

"Ҳушёр" ширкат хўжалигида эса янги консерва цехи қурилиши бошлаб юборилди. 40 миллион сўм ҳисобига барпо этиладиган мазкур цех кузга бориб маҳсулот бера бошлайди.

Бундан ташқари, "Матлуботсавдо" масъулияти чекланган жамиятида 60 миллион сўм маблағ эвазига ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ўзлаштирилса, "Давлат" хусусий корхонасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда тикувчилик цехи ишга туширилади. "Раҳбарой — Мусаллам" хусусий корхонасида эса тикувчилик маҳсулотлари тайёрланиб, савдога чиқарилади.

Тадбиркорлар саъй-ҳаракатлари туфайли, шунингдек, туманимиз марказида янги тўйхона, суратхона, гўзаллик салонлари очилди. "Чархи-гардун" хусусий фирмаси жамоаси эса янги ҳаммом биносини тикламоқда.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга имтиёзлар берилаётгани натижасида туманимиз иқтисодиёти тобора ривожланмоқда, халқимиз турмуши фаровонлашмоқда.

**Маъсуджон ЖУМАЕВ,**
**Фарғона вилояти Сўх тумани молия бўлимининг мудири.**


## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2009 йил 28 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан:

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 18 декабрдаги 10-0610/13548-сонли, 2007 йил 25 июлдаги 10-0718/6855-сонли, 2007 йил 10 ноябрдаги 10-0705/11834-сонли, 2007 йил 10 ноябрдаги 10-0705/11835-сонли, 2008 йил 12 февралдаги 10-0718/15363-сонли, 2008 йил 26 августдаги 10-0804/8759-сонли, 2008 йил 25 ноябрдаги 10-0804/13223-сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Хуштепа кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган, «Республика қишлоқ хўжалиги ва эҳтиёт қисмлари базаси»га тегишли, умумий майдони 5588 кв.м. бўлган 7 та иншоот, 5 та шийпон, 1 та ҳовуз ва 1 та тиндиргич (отстойник)дан иборат бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 176 418 000 сўм.***

**II.** Тошкент вилояти Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Чиноз туман судининг 2009 йил 6 февралдаги 312-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Расулобод кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, Р. Эргашевага тегишли уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 131 119 600 сўм.***

**III.** Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Мирзо Улуғбек тумани судининг 2008 йил 12 ноябрдаги ЖСК-1-911/2008-сонли ижро варақасига асосан, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомобилларни сақлаш майдончасида сақланаётган, «Toyota-Lexus-LX-470» русумли, давлат рақами 30К3535 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.***

**IV.** Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 февралдаги №2-164-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй манзилида сақланаётган, «Мерседес-Бенц Е-280» русумли, давлат рақами 14АЕ485 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 75 038 337 сўм.***

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.**

*www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.*



Товар сертифицирован INTEGRAL ASIA

Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан DELL

**... от карманных компьютеров до серверов...**



**3 года полной гарантии !!! Технологии, обеспечивающие уверенность**

**Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.**



Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 233-10-60, 236-09-25, 232-10-63.



## АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ



**2009/2010 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

### БАКАЛАВРИАТ

1. Касб таълими: ер усти транспорт тизимлари
2. Касб таълими: радиотехника
3. Касб таълими: нефть ва газ иши
4. Касб таълими: электр энергетикаси
5. Дизайн
6. Менежмент (соҳалар бўйича)
7. Маркетинг (соҳалар бўйича)
8. Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси
9. Иссиқлик энергетикаси
10. Электр энергетикаси (тармоқлар бўйича)
11. Металлургия
12. Материалшунослик ва янги материаллар технологияси
13. Машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва машинасозлик ишлаб чиқаришни автоматлаштириш
14. Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)
15. Авиасозлик ва ракета-космик техникаси
16. Учиш аппаратлари ва двигателларидан техник фойдаланиш
17. Энергетика машинасозлиги
18. Ер усти транспорт тизимлари (транспорт турлари бўйича)
19. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари
20. Кончилик электр механикаси
21. Асбобсозлик
22. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш (тармоқлар бўйича)
23. Электроника ва микроэлектроника
24. Автоматлаштириш ва бошқарув
25. Радиотехника
26. Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси
27. Пайвандлаш ишлаб чиқариши машиналари ва технологияси
28. Энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича)
29. Нанотехнология (тармоқлар бўйича)
30. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
31. Биотиббиёт муҳандислиги
32. Материалларга бадиий ишлов бериш технологияси
33. Аэропортларнинг радиоэлектрон жиҳозларидан фойдаланиш
34. Автомобилсозлик ва тракторсозлик
35. Ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбалари
36. Совитиш, криоген техникаси ва мўътадиллаш тизимлари машиналари ҳамда агрегатлари
37. Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича)
38. Кончилик иши
39. Қаттиқ фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси
40. Фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари
41. Нефть ва газ геофизикаси
42. Гидрогеология ва муҳандислик геологияси
43. Нефть-газ саноати машина ва жиҳозлари
44. Бурғулаш разведка ишларининг техника ва технологияси
45. Геология-разведка ишларининг техника ва технологияси
46. Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш
47. Нефть-газ қувурлари, омборлари ва нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш
48. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш
49. Сервис техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича)
50. Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш
51. Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)
52. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги

*Бакалавриат қабулига ҳужжатлар шу йил 20 июлгача қабул қилинади, тест синовлари 1 август куни ўтказилади. Магистратура қабулига ҳужжатлар шу йил 30 июлгача қабул қилинади, кириш синовлари 3-10 август кунлари ўтказилади. Қабул комиссиясининг иш вақти — соат 8.30 дан 17.30 гача.*

### МАГИСТРАТУРА

1. Саноат дизайни
2. Менежмент (соҳалар бўйича)
3. Нефть ва газ дала геофизикаси
4. Геология-разведка ишларининг техникаси ва технологияси
5. Иссиқлик электр станциялари
6. Саноат иссиқлик энергетикаси
7. Иссиқлик техникасининг назарий асослари
8. Электр станциялари
9. Электр энергетика тизимлари ва комплекслари
10. Электр таъминоти (тармоқлар бўйича)
11. Гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланиш
12. Қора металлар металлургияси
13. Рангли ва нодир металлар металлургияси
14. Кукунли металлургия, композицион материаллар ва қопламалар
15. Композицион материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш ва конструкциялаш
16. Машинасозлик технологияси (тармоқлар бўйича)
17. Автоматлаштирилган ва автоматик дастгоҳлар тизимлари, комплекслари
18. Қуймакорлик ишлаб чиқариш технологияси ва машиналари
19. Совитиш, криоген техникаси ва мўътадиллаш тизимлари машиналари ҳамда агрегатлари
20. Учиш аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси
21. Учиш аппаратлари ва уларнинг тизимларидан фойдаланиш
22. Иссиқлик двигателлари
23. Тракторлар
24. Электр механикаси (тармоқлар бўйича)
25. Электр изоляцияси ва кабель техникаси
26. Саноат қурилмалари ва технологик комплекслар электр юритмалари ва уларни автоматлаштириш
27. Кончилик машиналари ва жиҳозлари
28. Тиббиёт асбоблари ва ўлчов тизимлари
29. Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича)
30. Саноат электроникаси
31. Физик электроника
32. Электрон техника материаллари ва компонентлари физикаси ва технологияси
33. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва акс эттириш электрон асбоблари ва қурилмалари
34. Техник тизимларда бошқарув
35. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
36. Робот-техник тизим ва комплексларни бошқариш
37. Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси
38. Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва ускуналари
39. Пайвандлаш ишлари технологияси ва жиҳозлари
40. Энергетик аудити ва энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича)
41. Саноат қурилмалари ва технологик комплексларининг энергия тежамловчи электр жиҳозлар тизимлари
42. Микро ва наноэлектроника
43. Тиббий-биологик қурилма, тизим ва мажмуалари
44. Маркшейдерлик
45. Фойдали қазилмаларни ер ости усулида ишлаш
46. Фойдали қазилмаларни очиқ усулда ишлаш
47. Фойдали қазилмаларни бойитиш
48. Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш
48\. Қудуқ бурғулаш
50. Нефть-газ қувурлари, база ва омборларини қуриш ва улардан фойдаланиш
51. Нефть-газ ва нефть-кимёвий жиҳозлар
52. Нодир ва рангли металлар геологияси
53. Ноёб элементлар геологияси
54. Рудали ва норуда конлар геологияси, қидирув ва разведкаси: металлогения
55. Нефть ва газ конлари геологияси, қидирув ва разведкаси
56. Фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари
57. Қудуқлар тадқиқотининг геофизик усуллари
58. Разведкавий геофизика усуллари
59. Гидрогеология ва ер ости сув ресурслари
60. Нефть ва газни қайта ишлаш жиҳозлари
61. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш жиҳозларидан фойдаланиш ва техник сервис хизмат кўрсатиш
62. Ёнилғи-мойлаш материалларини ташиш, сақлаш ва сифатини назорат қилиш
63. Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш
64. Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланиш

**Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй. Телефон: 246-98-12.**

690Н/993

